


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

USAID (АҚШ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ)

**FAO (БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ
ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ)**



**“АГРАР СОҲАНИ ИСТИҚБОЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАН
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ**

III-ҚИСМ



АНДИЖОН 2019

Халқаро илмий-техник анжуман мақолалар тўплами

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АНДИЖОН ФИЛИАЛИ



**“АГРАР СОҲАНИ ИСТИҚБОЛЛИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕСУРС ТЕЖОВЧИ
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ” МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАН**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

АНДИЖОН 2019

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

- Ҳайъат раиси:** Абдувасиков Абдуазиз Абдулазизович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
- Масъул муҳаррирлар:** Балласов У.Ш., Комилов К., қишлоқ
хўжалик фанлари номзоди, доцентлар
- Аъзолари:** Тиркашев Л.Я., Сиддиқов Х., Кодиров Р.Н.,
Долимов Л.А., Рузиев И.Э., Кимсанов И.Х.,
Абдуллаева Х.З., Абдуллаев И.И., Қўзибоев
Ш.Т., Саматов Н.А., Абдуллаев Д.А., Собиров
И.А., Исроилов З.А.



АНЖУМАН ҲОМИЙЛАРИ

USAID (АҚШ ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АГЕНТЛИГИ)

**FAO (БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ
ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИ)**



Илмий мақолалар қайта кўриб чиқилмайди. Мақолаларнинг мазмуни ва моҳияти ҳамда маълумотларнинг тўғрилигига шахсан муаллифлар жавобгардир.

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали

УЎК: 634.5

ЁНҒОҚ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Б.Рахмонова

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали,
Андижон, Ўзбекистон

Аннотация. Ўзбекистонда ёнғоқ ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ривожланмоқда. Ушбу мақолада ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ишлаб чиқиш усуллари ўрганилган.

Аннотация В Узбекистане развивается выпаживание и экспорт ореха на внешние рынки. В этой статье рассмотрены вопросы увеличения объемов производства ореха, создание современных ореховых плантаций за счет привлечения иностранных инвестиций, внедрение современных технологий. .

Annotation. Producing and export of to foreign markets are developing in Uzbekistan. In this article studied questions about increasing volume of production nuts products, establishing new plantations by attracting foreign investment and implementation new technologies.

Калит сўзлар. Ёнғоқ, плантация, технология, экспорт, нарх, хорижий инвестиция.

Ключевые слова. Орех, плантация, технология, экспорт, цена, иностранные инвестиции.

Key words. Nut, plantation, technology, export, price, foreign investment.

Ёнғоқ етиштириш – юқори даромад келтирувчи самарадорлиги юқори соҳа деб айтиш мумкин. Ёнғоқ бизнесининг ривожлантиришга нафақат тадбиркорлар балки давлатимизнинг ўзи ҳам алоҳида эътибори қаратиб, унга махсус фаолият тури сифатида қаралмоқда.

Бунинг мазмуни эса қуйидагича: агар ёнғоқ кўчатларини белгиланган тартибда тегишли ҳокимликларда давлат рўйхатидан ўтказса (деҳқон хўжалиги ёки фермер хўжалиги ёки агрофирма) олинган сифат сертификатлари форс-мажор ҳолатларида ёки ҳосил яхши бўлмаган даврда компенсация олишга ёрдам беради. Қўшимчасида бундай тадбиркорлик ташаббуси фойдани нафақат ҳозирги вақтда, балки келажакда ҳам фойдани қафолатлайди, чунки ёнғоқ дарахтлари етарлича эътибор билан парваришланса, ўнлаб йиллар давомида ҳосил беради.

Албатта юқори ҳосил ва фойда олиш учун аввало яхши кўчатлар танлаб экиш зарур. Ўзбекистон иқлими ёнғоқ кўчатлари ривожланиши учун анча қулайдир. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан ёнғоқ парваришлашда ноқулай табиий шароитларда масалан суғориш қийин бўлган адирликларда ҳам яхши самарадорликка эришиш мумкин. Кескин иссиқ ва кескин совуқ қутилмаганда хавф солганда ҳам турли касалликлар ва зараркунандаларга ҳам бошқа меваларга нисбатан анча чидамли ҳисобланади.

Ёнғоқнинг истиқболли навлари. Ўзбекистонда ўнлаб истиқболли ёнғоқ навлари яратилган. Бу навлар ҳар томонлама Ғарбий Европа ва Америка Қўшма Штатларининг энг яхши навлари билан рақобатлаша олади, ҳатто ҳароратни иссиқ

ёки совуқ томон кескин ўзгариб туришига чидамлилиги, тез пишиб етилиши ва мағзининг этиллиги жиҳатидан баъзан улардан устунлик қилади.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти Тошкент воҳасидаги боғларда халқимизнинг кўп асрлик янги истиқболли тажрибалар яратиш тажрибаларини қўллаш натижасида жуда ажойиб навлар яратилди. Ўзбекистоннинг текислик қисмида ўстириш учун қуйидаги навлар тавсия қилинади:

1) №1 Ўрмон десерти. Бу навли ёнғоқни шакли думалоқ, тумшукчали, вазни 11-12,5 гр, мағиз чиқиши 50 %, пўчоғи юпка, ғадир-будир, ранги қизғиш, мағзи тўқ, мазали. Пўчоғидан бутунлигича ажралади. Дарахти яхши ўсиб, яхши ривожланади. Ҳар йили кўп мева беради. 30 ёшли дарахт йилига 4 йил давомида 130 кг дан, кўпи билан 250 кг дан ҳосил беради. Меваси сентябр ойининг ўрталарида пишиб етилади.

2) Ўз НИИЛХ (Ўзбекистон илмий тадқиқот институти ўрмон хўжалиги) шингилсимон. Бу нав ёнғоқни меваси думалоқ, кичик тумшукчали, кирраси билинеар-билинемас, вазни 13,4-14,4 грамм, мағиз чиқиши 45-47 %, пўчоғи ўртача қалинликда, ғовак, ғадир-будир, мазали, пўчоғидан яхши ажралмайди. Дарахти тез ўсади, танаси ярим шарсимон қалин, деярли ҳар йили ҳосил беради. Мўл ҳосилли, 20 ёшлигида ўрта ҳисобда 100 кг ҳосил беради. Ўсиш даврида икки марта гуллайди. Бир тўдада 20 тагача ёнғоқ бўлади, меваси сентябр ойининг иккинчи ярмида пишади.

3) №2 Дўрмон – бу нав ёнғоқнинг меваси юмалоқ, тепаси ясси, кичик тумшукчали, вазни 15,4 гр, мағиз чиқиши 46-48 фоиз, пўчоғи жуда қалин, жигарранг, ғадир-будир, мағзи мазали, пўчоғидан яхши ажралади. Дарахт тез ўсади, ҳар йили ҳосил беради. 30 ёшлигида ўртача 75 кг, энг кўп ҳосили 150 кг, меваси сентябрнинг иккинчи ярмида пишади.

4) №2 Тошкент – меваси юмалоқ, сал яссироқ, учи кичик, вазни 13,4 гр, мағиз чиқиши 45 фоиз, пўчоғи ўртача қалинликда, ғадир-будир, ғовак, оч жигарранг, осон чақилади, мағзи мазали, пўчоғидан осон ажралади. Дарахт тез ўсади, сер ҳосил 35-40 ёшлигида 120-220 кг гача мева қилади. Меваси сентябр ойининг биринчи ярмида пишади.

5) № 3 Тошкент – меваси юмалоқ таги яссироқ, тумшуги кичик, учли, мевасининг вазни 12,2 гр, мағиз чиқиши 47-48 фоиз, пўчоғи ўртача қалинликда, ғадир-будир, ғовак, кулранг, мағзи ширин, пўчоғидан осон ажралади. Тез ўсади, мўл ҳосилли, 25-30 ёшлигида 150 кг гача, ўртача 100 кг ҳосил беради. Меваси сентябрни иккинчи ярмида пишади.

Бу навлардан ташқари тоғли ва лаълмикор ерларда ўстиришга тавсия қилинган истиқболли навлар ҳам бор, улар қуйидагилар:

6) Юбилейний. Меваси думалоқ, учи сал кўриниб туради. Вазни 11,7 гр, мағиз чиқиши 50,4 фоиз, мағзи мазали, пўчоғидан осон ажралмайди. Мўл ҳосилли, меваси баҳорги совуқларга чидамли, тез пишар, пайванд қилинган кўчатлар тўртинчи ёшда мевага киради. Меваси сентябрнинг ўрталарида етилади.

7) Ғалвирак ёнғоқ. Меваси тухумсимон, учи қийшиқроқ, вазни 9,4 гр, мағиз чиқиши 54,6 фоиз, мағзи мазали пўчоғидан осон ажралмайди. Ҳар йили ҳосил берадиган серҳосил нав. Меваси сентябрни ярмида пишади.

8) Пионер. Меваси тухумсимон, вазни 12,8 гр, мағиз чиқиши 52,8 фоиз, тўқ мағизли, пўчоғидан осон ажралади. Баҳорги совуққа чидамлилиги билан ажралади,

ўсиш даври қисқа тез ҳосилга киради. Пайванд қилинган кўчат учинчи йили мевага киради. Меваси сентябрнинг охирларида пишади.

9)Идеал. Меваси тухумсимон, вазни 10,2 гр, мағиз чиқиши 50,8 фоиз, мағизи мазали, пўчоғидан осон ажралади. Тез пишар, пайванд қилинган кўчат биринчи йилиёқ мевага киради. Уруғидан экилгани эса иккинчи йили мевага киради. Икки марта гуллаб, икки марта ҳосил беради. У секин ўсади, бўйи 8 метрдан ошмайди. Совуққа чидамли ҳар йили ҳосил беради. Биринчи ҳосил сентябрни учинчи ўн кунлигида, иккинчиси октабр ва ноябр бошларида пишади.

10) Твардейский – меваси юмалоқ, сал-пал қиррали, вазни 13,1 гр, мағиз чиқиши 57,6 фоиз, мағзи мазали, пўчоғидан осон ажралади.

11)Бўстонлиқ – меваси чўзинчоқроқ асоси юмалоқ, вазни 13,3 гр, мағзи мазали, мағиз чиқиши 48,5 фоиз. У тез пишар сер ҳосил. 20 ёшлигида юз килограммгача ҳосил беради. Қишки, баҳорги совуқларга бардошли, пайванд қилинган кўчат бешинчи йили мева беради. Меваси сентябрнинг иккинчи ярмида етилади.

12)Қозоғистон. Бу нав уруғдан етиштирилган кўчатлардан танлаб олинган, меваси тухумсимон, вазни 14,3 гр. Мағиз чиқиши 48,3 фоиз, мағизи мазали, пўчоғидан осон ажралади. Бу нав ўсиш даврининг қисқалиги билан фарқ қилади. Меваси сентябрни охири, октабрни бошларида етилади.

13)Эрта мевага кирадиган Ўзбекистон нави. Кўчати идеал навидан бўлиб, унинг эрта мевага кириш, тўда-тўда мева тугиш, совуққа чидамлилиқ каби барча биологис қимматли белгиларини ўзида сақлаб қолган. Меваси октабр бошида етилади. Ёнғоғи тухумсимон, вазни 11,6 гр, мағиз чиқиши 54,5 фоиз, мағизи мазали, пўчоғидан бутунича ажралади.

14)Родина. Бу нав бўстонлиқ нави билан юраксимон ёнғоқ навидан олинган дурагай. Ёнғоғи чўзиқроқ, тухумсимон, вазни 13,5 гр, мағиз чиқиши 49,5 фоиз, мағизи мазали, пўчоғидан осон ажралади. Тез ўсади ва совуққа чидамли. Меваси сентябрнинг охирида пишади.

Юқорида айтиб ўтилгандек ёнғоқнинг навлари кўп, Ўзбекистонда уни бир неча ўнлаб навлари мавжуд, лекин бу ерда фақат Ўрта Осиё шароитида бир мунча яхши ўсиб, юқори ҳосил берадиган, иссиқ ва совуқ ҳароратларга бардошли, водий учун яшаш муҳит шароитига қараб, ўша муҳит шароитда ўсиб ривожланиши мумкин бўлган истикболли серҳосил навлари ҳақидагина қисқа-қисқа тўхталиб ўтдик холос. Чет элларда ҳам ўша муҳит шароитда яхши ўсиб ривожланадиган серҳосил навлари юзлаб топилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 июндаги қарори билан Ўзбекистонда ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилди. Қарор лаълми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этишга йўналтирилган.

Саг агро ва Сам антеп гилам компаниялари, Ёнғоқчилик илмий-тадқиқот маркази, ёнғоқ логистика маркази, «Саг агро МТП», шунингдек, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларидаги ҳудудий «Ёнғоқагро» МЧЖлари уюшма муассислари ҳисобланади.

Қарор билан 2017–2021 йилларда ёнғоқ етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. У қуйидаги босқичларни ўзичига олади: 2017–2019 йиллар — ёнғоқ кўчатларини республикага олиб келиш, 2018–2019 йиллар — ёнғоқни пайвандлаш учун пайванд тагларни келтириш, 2020 йил — лаборатория шароитида ёнғоқнинг тегишли минтақа табиий-иқлим шароитларига мос юқори ҳосилдор навларини ишлаб чиқариш, 2018–2020 йиллар — ёнғоқ етиштириш ва уни ички ҳамда ташқи бозорда сотишни йўлга қўйиш.

Ёнғоқ дарахти кўчатларини ўтқизиш учун чет эллик мутахассислар билан биргаликда Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида табиий-иқлим шароитлари ва тупроқ таркиби бўйича ёнғоқ кўчатларини экиш учун қулай, умумий майдони 10 минг гектаргача бўлган ер участкаларини ажратиш режалаштирилган.

Ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш ҳисобига 50 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдорда кредит маблағлари ажратилади. Уюшма иштирокчилари учун 2020 йилга қадар четдан олиб келинадиган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган томчилатиб суғориш ускуналари, махсус қишлоқ хўжалиги техникалари, ёнғоқ кўчатлари, пайвандтаглари, пайвандустлари, оналик материаллари божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилади.

Водийни ўраб олган тоғлар, адир ва чўллар муҳит шароити, тупроғи, ёғингарчилик миқдори ва бошқа белгилари билан бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Қурама, Туркистон, Олой тоғ тизмалари, бошқа – Фарғона, Чотқол тоғ тизмаларидан мевали дарахтларининг камлиги билан фарқ қилади. Мевали ўсимликлар асосан йиллик ёғингарчилик миқдори юқори бўлган (400-1000 мм) тоғ тизмаларида кенг тарқалган ва улар ёппасига кетган қалин бўлиб ўсадиган ёнғоқзорларни, бодамзорларни, пистазорларни ҳосил қилади.

Хулоса қилиш мумкинки, бу бизнес кўчат ҳосил беришни бошлагандан 5 йил ўтиб, тўла ўзини қоплайди. Аммо 100 йил давомида ўрта ҳисобда 60-70млн сўм доимий даромад келтиради. Бундан ташқари бу фаолият тури пассив ҳисобланади ҳамда янгилаш ва инновацияларни талаб этмайди. Ёнғоқ етиштириш – юқори даромад келтирувчи рентабелли соҳа деб айтиш мумкин.

Библиографик рўйхат

1. Муртазаев О., Ахроров Ф. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т., 2017.
2. Joseph A. Grant, Janet L. Caprile. Sample costs to establish a walnut orchard and produce walnuts. University of California Cooperative extension. 2013.
3. Р.С Верник –Ореховие леса Узбекистана.Т, 1984
4. В.ВКузнецов – Ўзбекистоннинг ёнғоқ мевали ўсимликлари, 1986
5. <http://www.calorizator.ru/product/nut/circassian-walnut>
6. <http://edaplus.info/produce/walnut.html>
7. <http://kachestvo.ru/interesno/greckijj-orekh-poleznye-svoistva.html>

МУНДАРИЖА

7-ШЎБА. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИНИ ИШЛАТИШ, ТИКЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ошибка! Закладка не определена.

- Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, М.А.Юлдашева, И.Назиржонов, Д.Худойназаров. Ўрмон хўжалик плантация ерларни экишга тайёрлашни ҳозирги ҳолати ва таклиф этилаётган янги технологияни афзалликлари **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, Б.Р.Болтабоев, Б.Т.Турсунов, А.Ш.Ахмедов. Гилдирак формуласи 4K2 бўлган тракторнинг олдинги кўприк клиренсини ўзгартириш қурилмаси..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, Б.Р.Болтабоев, Б.Т.Турсунов, В.Калашников. Дон уруғини экувчи сеялканинг секциясига таъсир этувчи кучларни ва уни судрашга қаршилигини аниқлаш. **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, Б.Р.Болтабоев, В.Калашников. Ғўза қатор ораларига дон уруғини экувчи экичларнинг қаршиликларини қиёсий натижалари. **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, Б.Р.Болтабоев, А.Абдуманнопов. Боғдорчиликда қўлланиладиган комбинациялашган агрегатнинг тупроқ текислагичини жойлаштириш схемасини танлаш..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, А.Абдуманнопов. Боғдорчиликда қўлланиладиган комбинациялашган агрегат пушта олгичининг параметрларини асослаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- Н.Каримов, И.Султанов. Автоматическое регулирование влажности почвы тепличных сооружений микроконтроллерными средствами **Ошибка! Закладка не определена.**
- Н.Каримов, И.Султанов. Автоматизация температуры тепличных сооружений микроконтроллерными средствами..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.Х.Каюмов. Оптимизация параметров и режимов работы измельчителя органических отходов **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.А.Абдирахмонов, Х.Б.Самсақова. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда энергия сарфини камайтириш йўллари **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.А.Абдирахмонов, Х.Б.Самсақова. Фермер хўжаликларида дон ва оралик экинларини етиштиришда ерларни экишга тайёрлашда сарф-ҳаражатларни камайтириш йўллари..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Тўхтақўзиев, Д.Каримова. Тупроққа ишлов бериш машиналари иш органларининг рама билан қўзғалувчан боғланишлари таҳлили **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, Б.Н.Турсунов, Д.А.Абдуллаев, В.Калашников. Ғўза қатор ораларига дон уруғини экувчи сеялканинг конструкциясини танлаш..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худоёров, Б.Р.Болтабоев, Б.Н.Турсунов, Д.А.Абдуллаев, В.Калашников. Ғўза қатор ораларига дон уруғини экувчи сеялка учун экичларни танлаш. **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Тўхтақўзиев, Д.Абдуллаев, Д.Каримова. Пахтачилик култиваторлари иш органларининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ҳаракатини тадқиқ этиш **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Дадаходжаев, М.Яшаров. Пахта териш машинасининг иш сифатига таъсир этувчи омиллар таҳлили **Ошибка! Закладка не определена.**

- А.Дадаходжаев. Пахта териш машинасини янада самарали ишлаши учун **Ошибка! Закладка не определена.**
- И.Ғ.Мирзаев, З.Т.Зулунов, Д.А.Абдуллаев, Ж.Т.Нўмонов. ТТЗ-80.11 трактори кабинасининг совутиш тизимини такомиллаштириш **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Мамадалиев, В. Abdumannonov, A.G'ulomov, O.Muxitdinov. Kombinatsiyalashgan agregat yumshatgichining ish sirti uzunligini asoslash **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Мамадалиев, В.Абдumannonov, A.G'ulomov, A.Toshxujayev. Kombinatsiyalashgan agregat yumshatgichi ish sirti uzunligining uning ish ko'rsatkichlariga ta'siri **Ошибка! Закладка не определена.**
- Д.А.Абдуллаев, Р.Махмудов. Влияние угла установки лемеха корпуса к стенке борозды на качество вспашки и его тяговое сопротивление при работе его с недорезом пласта **Ошибка! Закладка не определена.**
- И.Ғ.Мирзаев, Р.С.Базарбаев, З.З.Зулунов. Тупрок унумдорлигини оширишда ис газларидан фойдаланиш..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Т.Росабоев, Ш.Т.Худоёров. Энерго и ресурсосберегающее устройство для очистки семян сельскохозяйственных культур.... **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Тухтабаев, Т.Ҳамракулов. Трихограмма тарқатиш қурилмасининг параметрларини асослаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Х.Хаджиев, Ш.З.Хайдарова. Органоминерал ўғитларни солиш иш органини устунининг ўткирланиш бурчагини асослаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- Г.Орипов, А.Туракулов, Г.Мамадалиева, Р.Йўлдошев. Влияние степени влажности минеральных удобрений на коррозию металлов **Ошибка! Закладка не определена.**
- Г.Орипов, Х. Саттаров, З.Бурхонов, Р. Йўлдошев, А. Туракулов. Стойкость лакокрасочных покрытий в коррозионно-активных средах **Ошибка! Закладка не определена.**
- В.А.Ким, З.Тургунов. Повышение эффективности автоматической системы поперечной вертикальной стабилизации остова крутосклонного трактора **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Худойбердиев, А.Н.Худояров, М.А.Юлдашева, И.Назиржонов. Йиғиб узатувчи мосламани турли вариантдаги конструкцияларини тақослов синов натижалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Н.Худояров, И.А.Назиржонов, Д.Худойназаров. Ғўзапояни йиғиб олиш ва қайта ишлаш технологиясига қўйилган техник талаблар **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Н.Худояров, И.И.Абдимоминов, О.Абдуллаев. Ғўзапоя уюмини ўлчамларини ҳамда йиғиб олувчи ва сиқиб узатувчи барабанлар орасидаги технологик тирқишни аниқлаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Н.Худояров, Б.Н.Турсунов, М.А.Юлдашева, И.Назиржонов. Тажрибавий комбинациялашган агрегат синовларининг натижалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- 9-ШЎҒБА. АГРАР СОҒА ТАРМОҚЛАРИНИ ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ҲАМДА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ, ШУНИНГДЕК, АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.****Ошибка! Закладка не определена.**
- Ш.А.Кадирова, С.Р.Раззокова, Д.Б.Баракаева. Синтез и исследование комплексных соединений 3d- металлов с 5-(3-йодфенил)-1,3,4-оксадиазолин-2-тиона **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Д. Дусмуратов. Ўзбекистонда инновация фаолиятининг ривожланиши **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Юсупов. 1940-1980 йилларида ўрта осий ва қозғистон мусулмонлари диний назоратининг хорижий мусулмон ташкилотлари билан алоқалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.Х. Ахмедов. Интеграция аграрной науки, вузовского образования и бизнеса **Ошибка! Закладка не определена.**
- С.Х.Рустамова. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уни оптималлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш. **Ошибка! Закладка не определена.**

- Қ.О.Ўришев. Акциядорлик жамиятларида хусусий капитал ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш **Ошибка! Закладка не определена.**
- N.Karimov. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ва унинг экологиясида алгоритмлаштириш масаласи ҳақида **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Юсупов, М.Акрамова. Ёш авлодни комилликка етакловчи ташаббускори **Ошибка! Закладка не определена.**
- З.А.Запаров Р.А Умаров, Б.О.Уринов. Informatika fanini o'qitishda klaster va blis-so'rov texnologiyalaridan foydalanish **Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.Маманазаров. Tijorat banklarida daromadlar tarkibi tahlili **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.А.Кулматова, Д.А.Буранова. Олий ўқув юртларида таълим сифатини оширишда ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш масалалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Т.Мамажонов. Фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишнинг ахборот манбаларини ташкилий асослари **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Т.Мамажонов. Фермер хўжаликларида ҳисоб ва бирламчи назоратни ташкил этиш ва юритишнинг долзарблиги **Ошибка! Закладка не определена.**
- О.А.Шерматов. Қишлоқ хўжалигида рақобатдош маҳсулот етиштириш масалалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Аbdilalimov. Ishlab chiqarish xarajatlari hisobi va mahsulot tannarxini kalkulyasiya qilish vazifalari hamda uni tashkil qilish asoslari **Ошибка! Закладка не определена.**
- Г.Каримова. Анализ отраслевого и регионального состояния иностранных инвестиций Андижанской области **Ошибка! Закладка не определена.**
- Х.С.Имодinov. Tijorat banklarida moliyaviy natijalar tahlilini o'tkazish tartibi va unda amalga oshiriladigan usullar **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.З.Носиров, С.М.Ғуломжонova. Фермер хўжаликларининг ривожланишида бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг аҳамияти **Ошибка! Закладка не определена.**
- С.Махмудов. Қимматли қоғозлар бозорида аудиторлик фаолиятининг аҳамияти **Ошибка! Закладка не определена.**
- С.Махмудов. Қимматли қоғозлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари **Ошибка! Закладка не определена.**
- Қ. М.Насритдинов. Фарғона водийсида пахтачиликни ривожланиши тарихидан (хх асрнинг 20-30 йиллари) **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Юлдашев. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари **Ошибка! Закладка не определена.**
- Г.А.Зуфарова. Аграр соҳани ривожлантириш билан бандликни таъминлаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- Г.А.Зуфарова. Социально-экономическая значимость трудовой миграции в республике узбекистан **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.Т.Юлдашев. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тадбиркорлик асосида маблағлар ишлаб топишининг мақсади ва аҳамияти. **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.С.Рахмонова. Значимость ореховых плантаций на мировом рынке **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.Рахмонова. Ёнғоқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Я.Қобулова. Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишида ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Қобулова. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда инсон капиталининг аҳамияти **Ошибка! Закладка не определена.**
- О.Х.Махмудов, Г.Ҳамдамова, И.Холмирзаев. Бозор инфратузилма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва экспортга кўмагини кучайтириш **Ошибка! Закладка не определена.**
- О.Х.Мирзаев. Эпицентр гонки за лидерство теперь нужно переместить в сферу науки и инноваций **Ошибка! Закладка не определена.**
- Б.Эгамбердиева, Д.Захидов. Бернулли “олтин теоремаси” нинг қишлоқ хўжалиги масалаларида қўлланилиши **Ошибка! Закладка не определена.**

- В.Г.Абдурахмонов, С.Х.Холматов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда яқка тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари **Ошибка! Закладка не определена.**
- В.З.Nosirov, О.А.Shermatov. On further development of food markets of uzbekistan**Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Д.Рустамова. Роль инноваций в развитии сельского хозяйства**Ошибка! Закладка не определена.**
- Қ.Қ.Мамадалиев, Н.Э.Неъматов. Аграр соҳа тадбиркорлигида инновациялар ривожланиш омили сифатида **Ошибка! Закладка не определена.**
- Н.Солиева. Бошқарувнинг иқтисодий усуллари .. **Ошибка! Закладка не определена.**
- У.М.Ахмедова. Фермерлик ҳаракати - иқтисодиёт пойдевори**Ошибка! Закладка не определена.**
- С.Х.Холматов, О.А.Исакова. Пути обеспечения эффективности инвестиций в республике узбекистан..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- И.Эргашев. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда инвестиция муҳитини ривожлантиришнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси**Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Ш.Хожибоев. Тижорат банклари молиявий ҳисоботларини тузиш тизимини такомиллаштириш **Ошибка! Закладка не определена.**
- А.Х.Комилов. Ички аудитни жорий этиш йўллари**Ошибка! Закладка не определена.**
- В.Атахожаев, Р.Маматов, А.Камбаров. Воспитание повышения активности студентов сельскохозяйственных вузов в процессе познавательной деятельности и их укрепление во внеурочных мероприятиях..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.М.Икрамова, Қ.Т.Тожибоев. Жигар жароҳатида энергетик метаболизмнинг ўзгаришига эссел фортенинг таъсири **Ошибка! Закладка не определена.**
- Н.Т.Турабов, Ж.Н.Тоджиев, Т.У.Эшбобоев. Спектрофотометрическое определение цинка в составе промышленных сплавов и природных вод 300
- И.Ю.Маматова, И.Р.Асқаров, М.Х.Мамарахмонов. Перекисного окисления липидов митохондрии печени крыс под воздействием гипертермии**Ошибка! Закладка не определена.**
- И.Г.Мамажонов. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлаш**Ошибка! Закладка не определена.**
- Т.С.Хушвақтов. Агрофизика фанини ўқитишда касбий фаолиятни шакллантириш омиллари..... **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Хожибоев, А.Х.Комилов. Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш **Ошибка! Закладка не определена.**
- Р.Махкамов, О.А.Парпиев. Талабалар касбий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий-ўқув ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш**Ошибка! Закладка не определена.**
- Ф.А.Тиллабаева. Узбекистан - мой край родной! **Ошибка! Закладка не определена.**
- Н.М.Муминова. Внедрение методов групповой работы с учащимися в учебный процесс общеобразовательных школ **Ошибка! Закладка не определена.**
- И.Хасанов. Қишлоқ хўжалик бошқарувига таъсир кўрсатувчи омиллар**Ошибка! Закладка не определена.**
- Д.Ш.Нажмудинова, О.Н.Абдурашидова, С.Я.Исламов. Олманинг ўзбекистонга интродукция қилинган истиқболли пайвандтаглари ўсиш кучи ва маҳсулдорлиги таҳлили **Ошибка! Закладка не определена.**
- М.Ч.Қосимов, Х.А.Баратов. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саноат асосида қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришдаги ўзаро манфаатли интеграция: хорижий амалиётдаги кенг тарқалган бизнес-моделлар, уларни ўзбекистонда жорий этишнинг имконият ва самарадорлиги таҳлили, тавсиялар**Ошибка! Закладка не определена.**
- Ш.Н.Аҳмаджонова, М.Ж.Аҳмаджонова. Agricultural market integration, integration of goods market and labor market at education perspectives. as well as social and philosophical aspects of economic theory and education**Ошибка! Закладка не определена.**

А.У.Хашимов, Т.А.Мадумаров, Ф.Э.Юлдашев, А.К.Хусанов, М.А.Хошимова. Лабораторные испытания нового биологического, активного, тонизирующего препарата изготовлен-ного из лекарственных растений “Биотон”**Ошибка! Закладка не опре**

М.А.Алижонова, Д.Ғ.Ғаниев. Ёшларда миллий қадриятларни шакллантириш жараёнида ижтимоий-педагогик ва маънавий омиллар**Ошибка! Закладка не определена.**

Г.Стыбаев, Н.Серекпаев, А.Байтеленова. Способ управления сукцессией на сенокосах и пастбищах, путем создания фитоценозов**Ошибка! Закладка не определена.**